my.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 1366-5966-6481-8ce5-09f1-7985-2597
Ҳужжат яратилинган сана: 2024-06-08
Ариза рақами: 124917680

Ҳужжат берилган: "EAST DREAM ENGINEERING"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТИР: 310742227

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шахар Қурилиш бош бошқармаси

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг

2024-06-08 даги 124917680 -сонли

ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	124917680
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	“EAST DREAM ENGINEERING” МЧЖ
3.	Лойиҳа-смета хужжатларининг буюртмачиси номи:	“RUBICON WIRELESS COMMUNICATION” МЧЖ
4.	Объект манзили:	Миробод тумани, Ойбек МФЙ, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уй
5.	Лойиҳа-смета хужжатларининг номланиши:	Строительство комплексной трансформаторной подстанции на территории ООО "RWC" расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, д. 21.
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726273-186759

Лойихани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Натижа	Изох
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги:	Ижобий	


6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	
7.	Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шаҳсларинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;
Қўшимча маълумотлар: Миробод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сон қарорининг 4-иловаси “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан Лойиха-смета хужжатларини келишиш бўйича, Миробод туман Фавқулодда вазиятлар бўлими ХУЛОСАСИ 23/28-502 “14” май 2024 йил. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сон қарорининг 4-иловаси “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан “my.gov.uz” ЯИДХПдан 11.05.2024 йил кундаги 124917680-сонли, Миробод тумани, Т.шевченко кўчаси 21 уйда “EAST DREAM ENGINEERING” МЧЖ томонидан юборилган трансформатор подстанцияси қуриш лойиха таклифи хизмат ваколат доирасида ўрганиб чиқилди. Амалдаги “Шахарсозлик норма ва қоидалари” ШНҚ 2.07.01-03*, “Жамоат бинолари ва иншоатлари”, ШНҚ 2.08.02-09 “Бино ва иншоатларининг ёнғин хавфсизлиги” ШНК 2.01.02-04 талабларига амал қилиниши, ШНҚ 1.03.01-16 “Корхона, бино ва иншоатларни капитал қурилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқилиши, маъқулланиши ва тасдиқланиши тартиби” меъёрий ҳужжатининг 5.9-банди талабларига асосан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини ёнғинбардошлилик ва зилзилабардошлилик бўйича экспертизадан ўтказилишини ҳамда “Шахарсозлик” Кодэкснинг 60 - моддаси асосида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини ФВБ хизматига кўриб чиқиш учун тақдим этиш шарти билан эътироз билдирмайди. Миробод туман ФВБ бошлиғи л.м.в.б У.Акрамов Ижрочи: Ш.Жумадуллаев 97. 170-95-01;

Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;
Қўшимча маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сон қарорининг 4-иловаси “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан, “my.gov.uz” ЯИДХПдан келиб тушган 2024 йил 8 майдаги № 124917680-сонли EAST DREAM ENGINEERING МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган мурожаат бўйича эътироз билдирмайди. СЭО ва ЖСҚ Тошкент шаҳар бошқармаси Миробод тумани бўлими мудири Д.Б.Ахмедова;

Бош архитектор: O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi;



Маъқулланди:

1. Хулоса берувчиларнинг хулосасида кўрсатилган талабларни бажариш, муҳандислик тармоқлари ҳимоя масофаси сақлаш, мавжуд дарахтларни сақлаб қолиш, ўз ер участкасидан чиқмаган ҳолда қурилиш линиясига риоя қилиш шарти билан лойиҳа ишларини давом эттириш.

2. Лойиҳалаш жараёнида АРТ ва рухсатномада кўрсатилган талабларни бажариш белгиланди.

3. Лойиҳада муҳандислик тармоқларининг юкламалари инобатга олган ҳолда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш ҳамда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслик талаби белгилансин.

4. Лойиҳалаш жараёнида ЗВОС лойиҳаси олиш талаби белгиланди.

Қуйидаги талаблар: Лойиҳада келишиб берилган барча бино ва иншоотларда тунги ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгилансин ва ушбу талаб лойиҳада кўрсатиб ўтилсин.

Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойиҳалар юзасидан ШНҚ асосида хар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олиш ва ушбу ишлар амалга оширилмагунга қадар Тошкент шахар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги сохасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишга қабул қилинмаслиги назоратга олсин.

"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖнинг Тошкент шахар филиали, "Hudud gaz poytaxt" газ таъминоти филиали, Тошкент шахар "Сув таъминоти" МЧЖ директорлари хар лойихани аниқ хисоб китобларга таянган ҳолда юкламалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёрлардан ошиқча юкламаларда ишлаётган ҳудудларда коммуникация тармоқларига уланишга йўл қўймасин.

Экология, атроф-мухитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шахар бошқармаси хар бир ҳудудни ўрганиб, юқоридаги хар бир лойихалар учун иқлим шароитига мос бўлган айланаси 18 см.дан, баландлиги 3 метрдан кам бўлмаган дарахтлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар экилишини назорат қилсин. Лойиҳалаш жараёнида атроф мухитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси (ЗВОС) олиш шарти белгилансин.

Лойиҳада муҳандислик тармокларининг юкламалари инобатга олган ҳолда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш ҳамда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва навниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонинг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслик талаби белгилансин.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш максадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиклик насосларини ўрнатиш, муҳандислик тармоқларини хам инобатга олинсин.

Лойиҳаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналиши бўйича маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Мазкур ҳудудда лойиҳа асосида қурилиш ишларини олиб бориш учун ён қўшниларни розилигини олиш тавсия этилади.

Ушбу хулоса қурилиш ишларини бошлашга асос бўлмаслигини, шунингдек, хулоса талаблари бажарилмаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда хулосани бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкинлигини ва бундай ҳолатда жавобгарлик лойиҳа ташкилоти зиммасига юклатилишини маълум қиламиз.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

1296